

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ
ИНСТИТУТИ**

“Геодезия ва кадастр” кафедраси

**“Ер ҳуқуқи ва мониторинг асослари” фанидан
топшириқни бажариш учун**

УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

**(5311500-«Геодезия, картография ва кадастр»
таълим йўналишларининг бакалаврлари учун)**

Тошкент-2012

«Ер ҳуқуқи ва мониторинги асослари»
фанидан услубий кўрсатмалар. Т., ТАҚИ. 2012. бет.

Услубий кўрсатмаларда асосан маъмурий туманда ер мониторингини ўтказиш ҳамда ноқишлоқ хужалик мақсадлари учун ер ажратиш масалалари ёритилган бўлиб, мониторингни ўтказиш, шунингдек аҳоли яшаш жойларида турли мақсадлар учун ер ажратиш услубиятлари ва таритиблари келтирилган. 5311500-Геодезия, картография ва кадастр йўналишида таълим олаётган талабаларига мўлжалланган.

Тузувчилар: Бабажанов А.Р.-и.ф.н., доцент

Такризчилар:

Институт илмий-усулубий кенгашининг (20 йил “” даги баёни) қарор билан
чоп этишга тавсия қилинган.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган “Ер кодекси”, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”, “Ўрмон тўғрисида”, “Мухофаза қилинадиган ҳудудлар тўғрисида” ги ва бошқа қонунлар, шунингдек “Ер мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги Низом” ҳамда қатор қонуности меъёрий ҳужжатлари мамлакатда ер муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, объектлар мониторингини, жумладан ер мониторингини бугунги бозор муносабатларига мос тарзда юритиш заруриятини туғдиради. Бу эса, ўз навбатида, услубий йўналишда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш билан узвий боғлиқдир.

Мамлакатда юритилаётган объектлар мониторинги, жумладан ер мониторинги барча ер фондидан фойдаланишда унинг мавжуд ҳолатини кузатиб бориш, юз бераётган салбий жараёнларни аниқлаш ҳамда уларни олдини олиш ва бартараф этиш бўйича зарурий тадбирларни амалга ошириш каби мажмуали тадбир сифатида мавжуддир. Шу билан бирга давлатнинг қонунларига мос равишда ер муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб бориш, бугунги ислоҳотларга хизмат қилувчи ердан фойдаланиш тартибини ривожлантириш ҳам муҳим амалий аҳамиятга эгадир. Буларнинг барчаси биргаликда “Ер ҳуқуқи ва мониторинги асослари ташкил этишда ва 5311500- “Геодазия, картография ва кадастр” таълим йўналишининг умумқасбий фани сифатида шаклланган. Ушбу фан бўйича талабаларга билим бериш бўлғуси мутахассисларни шакллантиришда муҳим ўрин тутади.

“Ер ҳуқуқи мониторинги асослари” илмий фан сифатида ерни ва бошқа табиий-иқтисодий объектларни халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш воситаси ҳамда ҳуқуқлари объекти эканлиги тўғрисидаги маълумотга, ривожланаётган демократик жамиятни услубий объектларга бўлган ҳуқуқий муносабатларига ҳамда дунёни билишнинг диалектик услубиятига асосланади. “Ер ҳуқуқи мониторинги асослари” ни ўрганиш у билан боғлиқ бўлган фанлар (иқтисодиёт назарияси, фуқаролик ва меҳнат ҳуқуқлари, давлат кадастрлари асослари, кўчмас мулклар кадастри, геодезия, картография ва бошқалар) нинг назарий, услубий ва амалий ишлармаларига асосланади. Ер тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишда математик, статистик, геодезик, фотограмметрик ва картографик услубларидан фойдаланилади.

Фанни ўрганиш даврида талабалар 2 топшириқни бажарадилар. Биринчи топшириқ ер мониторингига, иккинчи топшириқ эса ер ҳуқуқига бағишланади.

Топшириқларни бажаришдан мақсадлар-ер мониторингини олиб бориш ҳамда жамиятдаги мавжуд ер муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш бўйича амалий кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

Топшириқлар мавзуси.

1- топшириқ “Маъмурий туманда ер мониторингини ўтказиш”

2- топшириқ “Маъмурий туманда ноқишлоқ мақсадлари учун ер ажратиш ва хужжатларни расмийлаштириш”

1-топшириқнинг мазмуни.

Ҳар бир талаба ўзига топшириқ сифатида берилган маъмурий туман тўғрисидаги маълумотлар билан танишади ҳамда статистик тўпламлардан ва бошқа манбалардан туманнинг жами ерлари, ер турларининг тақсимланиши, ҳудуддаги фермер хўжаликлари массивлари бўйича жами ерлар, экин ерлари, кўп йиллик дарахтзорлар, томорқа ерлари майдонлари тўғрисида охириги 10 йиллик маълумотларни тўплайди. Ушбу тўпланган материаллар ва маълумотлар асосида қуйидагилар аниқланади:

- туман тасарруфидаги жами ерларни асосий ер турлари бўйича ўзгариш суръати;
- тумандаги қишлоқ хўжалик корхоналарининг асосий ер турлари бўйича майдонларни ўзгариши суръати;
- қишлоқ хўжалик кооперативлари ва фермер хўжаликлари массивлари умумий ер майдонларини ўзгариш сурати;
- қишлоқ хўжалик кооперативлари ва фермер хўжаликлари массивлари экин ерларини, кўп йиллик дарахтзорларни ва томорқа ерларини ўзгариш суръатлари.

Топшириқларни бажариш тартиби ва услубияти

1. туман тасарруфидаги жами ерларни асосий ер турлари бўйича ўзгариш суръатини аниқлаш.

Статистик тўпламдан ёки бошқа манбалардан кейинги 10 йил бўйича тўпланган маълумотлар таққосланади. Шубу таққослаш гектарлар ва фоизларда бирданига аниқланса маълум бир хулосалар қилишга имконият яратилади. Асосий ер турларига қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ экин ерлари, кўп йиллик дарахтзорлар, бўз ерлар, яйлов ва пичанзорлар, қишлоқ хўжалик ерларининг жами, томорқа ерлари, ўрмонлар, бутазорлар, мелиоратив ерлар, бошқа ералар. Ушбу ер турлари бўйича майдонлар белгиланган турлари бўйича жадвал тўпланади қайта ишланади ва рўй берган ўзгаришлар таҳлил қилинади. Ҳисоб-китоблар қуйидаги, 1-жадвал кўринишида олади.

1-жадвал

**Маъмурий туман тасарруфидаги жами
ерларни асосий ер турлари бўйича ўзгариш суръати**

Т.р	Ер турлари	2004 йил		2009 йил		2012 йил		2012 йил 2004 йилга нисбатан +, -		2012 йил 2009 йилга нисбатан +, -	
		га	%	га	%	га	%	га	%	га	%
	Жами:		100		100		100				

1-жадвал натижалари таҳлил қилинади ва маълум хулосалар берилади. Шундан сўнг тумандаги қишлоқ хўжалик корхоналарининг асосий ер турлари бўйича майдонларини ўзгариш суръатлари аниқланади. Асосий ер турларига 1-жадвалдаги ер турлари қабул қилинади. Ҳисоб-китоблар 2-жадвал кўринишида ёритилади.

2-жадвал

**Тумандаги қишлоқ хўжалик корхоналарининг
ер турлари бўйича майдонларини ўзгариш суръати**

Т.р	Ер турлари	2004 йил		2009 йил		2012 йил		2012 йил 2004 йилга нисбатан +, -		2012 йил 2009 йилга нисбатан +, -	
		га	%	га	%	га	%	га	%	га	%
	Жами:		100		100		100				

2-жадвал ҳисоб-китоблари ўрганилади, натижалари таҳлил қилинади, берилган муддатлар ичидаги ўзгаришлари аниқланади. Ушбу жадвал асосида ўтказилган ер мониторинги маълумотлари бўйича алоҳида диаграммалар чизиш тавсия қилинади.

Ер мониторингини юритиш айниқса фермер хўжаликлари уюшмалари бўйича муҳим амалий аҳамиятга эгадир, негаки ушбу массивлар чегараларидаги умумий майдонлар, экин ерлари, кўп йиллик дарахтзорлар ва томорқа ерлар майдонларини миқдорий ўзгариш суръатларини кузатиб бориш улардан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этишда

зарурдир. Бундай ер мониторинги ҳисоб-китоблари қуйидаги, 3,4, 5 ва 6 жадвалларқўринишида бажарилади.

3-жадвал

Фермер хўжаликлари массивлари умумий ер майдонларини ўзгариш суръати

Т.р	Фермер хўжаликлари массивларининг номлари	Йўналиш	2004 йил	2009 йил	2012 йил	2012 йил 2004 йилга нисбатан +, -		2012 йил 2009 йилга нисбатан +, -	
						га	%	га	%
	Жами:								

4-жадвал

Фермер хўжаликлари массивлари экин ерларининг майдонларини ўзгариш суръати

Т.р	Фермер хўжаликлари массивларининг номлари	Йўналиш	2004 йил	2009 йил	2012 йил	2012 йил 2004 йилга нисбатан +, -		2012 йил 2009 йилга нисбатан +, -	
						га	%	га	%
	Жами:								

5-жадвал

Фермер хўжаликлари массивлари қўп йиллик дарахтзорлари майдонларининг ўзгариш суръати

Т.р	Фермер хўжаликлари массивларининг номлари	Йўналиш	2004 йил	2009 йил	2012 йил	2012 йил 2004 йилга нисбатан +, -		2012 йил 2009 йилга нисбатан +, -	
						га	%	га	%
	Жами:								

Т.р	Фермер хўжаликлари массивларининг номлари	Йўналиш	2004 йил	2009 йил	2012 йил	2012 йил 2004 йилга нисбатан +, -		2012 йил 2009 йилга нисбатан +, -	
						га	%	га	%
	Жами:								

6-жадвал

Фермер хўжаликлари массивлари чегарасидаги томорқа ерлар майдонларининг ўзгариш суръати

Т.р	Фермер хўжаликлари массивларининг номлари	Йўналиш	2004 йил	2009 йил	2012 йил	2012 йил 2004 йилга нисбатан +, -		2012 йил 2009 йилга нисбатан +, -	
						га	%	га	%
	Жами:								

Юқоридаги 4,5,6-жадваллар бўйича маълумотлар ўрганилади, миқдорий ўзгаришлар аниқланади, бундай ўзгаришлар сабаблари таҳлил қилинади ва тегишли хулосалар чиқарилади.

2-топширик.

Ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун ер участкаларини ажратиш ва ер ажратиш хўжаликларини расмийлаштириш.

Иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш энг биринчи галда уларга зарурий миқдорларда ер ажратиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Маълумки, аҳоли сонини ўсиб бориши ер майдонларига бўлган талабларни ҳам оширилади, негаки улар учун зарур бўладиган ижтимоий инфратузилмаларни (уй-жойлар, маданий-маиший хизмат кўрсатиш жойлари, ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқалар) ривожлантириб боришни тақозо қилади. Бу эса, ўз навбатида маълум бир ер майдонларини ажратишни талаб қилади. Бу майдонлар қишлоқ ёки ўрмон хўжалигида, ёхуд бошқа бир тармоқда фойдаланилаётган бўлиши мумкин.

Ер ажратиш ер тузиш тадбири таркибида амлга оширилади ва у қатор ҳуқуқий-меъёрий масалаларни ҳал қилиш билан боғлиқ, негаки қандадир субъект томондан маълум бир ҳуқуқлар асосида фойдаланилаётган ер майдонининг бир қисмини бошқа бир субъектга олиб бериш қатъий белгиланган тартибда бажарилиши зарур.

Биз ушбу топшириқда ноқишлоқ хўжалик корхонасига фермер хўжалиги худудидан ер ажратиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқамиз.

Топшириқнинг мазмуни: Умумтаълим мактабида спорт майдончасини куриш учун ушбу мақсадга ён қўшни фермер хўжалигидан 0,5 га ер майдонини ажратиш.

Умумтаълим мактабига фермер хўжалиги худудидан ер ажратиш билан боғлиқ ер тузиш иши таркибига кирувчи хужжатлар қуйидагилардан иборат:

- ер участкасига талабгорларнинг илтимосномаси (1-илова);
- фермер хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилиши баённомаси (2-илова);
- талабгорларни ер тузиш ишини қўзғатиш бўйича туман ҳокимлига илтимосномаси (3-илова);
- ер участкасини жойида танлаш далолатномаси (4-илова);
- туман ҳокимини ер ажратиш бўйича қарори (5-илова);
- ер участкасининг плани (6-илова);
- санитария-эпидимеология хизматининг хулосаси (7-илова);
- вилоят ҳокимининг қарори (8-илова);
- вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг хулосаси (9-илова).

Юқоридаги хужжатларни расмийлаштириш ер участкасини ажратиб бериш амалга оширилади.

1-илова

Қибрай туманидаги
Улуғбек номли фермер хўжалиги
рахбари Н. Соатовга
8-ўрта таълим мактаби директори
С. Тошмухамедовадан

Илтимоснома

Сизнинг фермер хўжалигингизга туташ ҳудудда фаолият кўрсатаётган 8-ўрта таълим мактабида болалар спорт майдони бўлмаганлиги сабабли таркибида футбол, боскетбол, волейбол ва сакраш майдонлари мавжуд спорт майдонини ташкил қилиш учун фермер хўжалиги ҳудудидан 0,5 га ер майдонини ажратишга розилик беришингизни сўрайман.

Мактаб директори

С. Тошмухамедова

2- илова

Қибрай туманидаги «Улуғбек» фермер хўжалиги
аъзоларининг умумий мажлиси
БАЁНИ

Матқобулов номли к.ф.й.
йиғилиши раиси: Т. Кармонов
йиғилиш котиби: Р. Шамбилова
Хўжалик аъзоларидан 3 киши иштирок этди.

Кун тартибидаги масала

1. Қибрай тумани халқ таълими бўлимининг 8-ўрта таълим мактабига спорт майдончаси ташкил этишга ер ажратиш.

Ушбу масала юзасидан фермер хўжалиги бошлиғи Т. Кармонов сўзга чиқиб, фермер хўжалиги ерига ёндош жойлашган 8-ўрта мактабнинг спорт майдончаси йўқлигини ҳисобга олиб, ёшларни спорт билан шуғулланиб жисмонан бақувват бўлиши лозимлиги ҳақида сўз юритиш фермер хўжалиги ерларидан 0,5 га ер майдони спорт майдончаси қуришга ажратиш таклифини киритди.

Юқоридаги масалани йиғилиш қатнашчилари муҳокама қилиб

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

1. Фермер хўжалиги еридан Қибрай тумани халқ таълими бўлимининг 8-ўрта таълим мактабига спорт майдончаси қурилишига 0,5га суғориладиган ер майдони ажратилсин
2. Ушбу қарор тасдиғи Қибрай тумани ҳокимидан сўралсин.

Йиғилиш раиси
Йиғилиш котиби

Т. Кармонов
Р. Шамбилова

3-илова

Қибрай тумани ҳокими Ш.Т. Икромовга
8- ўрта мактаб директори
С. Тошмуҳамедовадан

2006 19 апрел
№ 283

Илтимоснома

Бизга Улуғбек номли фермер хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилишининг 5 май 2006 йилги 3- қарори асосида мактабимизга спорт майдони қурилиши учун 0,5 га ер майдони ажратиб бериш тавсия этилган эди. Шу ер майдонини олишда ёрдам беришингизни илтимос қиламан.

Мактаб раҳбари:

С. Тошмуҳамедова

Қибрай тумани «Улуғбек» номли фермер хўжалиги еридан 8- ўрта таълим мактабига очиқ спорт майдонлари ташкил қилиш учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги

ДАЛОЛАТНОМА

2006 йил 18 август

Улуғбек номли фермер хўжалиги

Ушбу далолатнома 8- ўрта таълим мактабининг туман ҳокими номига ёзган 2006 йил 19 апрелдаги хатига асосан тузилди.

Қуйидаги тузилган комиссия аъзолари

Комиссия раиси:

Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари

М. Хошимов

Комиссия аъзолари:

Тошкент вилояти ер ресурслари ва кўчмас

мулк Давлат кадастр бошқармаси бошлиғи

Б. Тожибоев

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими

Н. Назаров

бошлиғи

Хўжалик ҳисобидаги ер тузиш ва кўчмас

мулк кадастр бўлими бош мутахассиси

Б. Махмудов

Туман бош меъмори

Б. Утепов

Туман ер ресурслари ва давлат кадастр

бўлим бошлиғи

А. Омонов

Хўжалик ҳисобидаги ер тузиш ва кўчмас

мулк кадастр бўлими мутахассиси

Ф. Уразова

Туман ДСЭН бош шифокори

И. Мавлянов

«Улуғбек» номли фермер хўжалиги

бошқаруви раиси

Н. Соатов

Матқобулов қишлоқ фуқаролар йиғини

М. Анорова

раиси

8- сонли ўрта таълим мактаби директори

С. Тошмухамедова

Шу куни комиссия аъзолари жойига «Улуғбек» ширкат хўжалиги ҳудудига чиқиб, ер ҳолатлари ички қурилишлар билан танишиб, тегишли қурилиш меъёрий қоидаларга асосланган ҳолда ушбу ҳудуддаги фаолият кўрсатаётган 8- сонли ўрта таълим мактабининг болалар спорт майдони бўлмаганлиги сабабли, таркибида футбол, баскетбол, волейбол ва сакраш майдонлари мавжуд спорт майдони ташкил қилиш учун ер майдони танлаш ва ажратиш масаласини кўриб чиқиш учун йиғилдилар.

8- ўрта таълим мактабига спорт майдони ташкил қилиш учун мактабга чегарадош «Улуғбек» номли фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалик харитаси бўйича 34 контуридан 0,5 гектар суғориладиган ер майдони танланди.

Танланган ер майдони ташкил қилиш учун танланган ер майдони чегаралари:

Шимолдан – ширкат хўжалиги ерлари
Шарқдан – 8- ўрта мактаб худуди
Жанубдан – ширкат хўжалиги ерлари
Ўғарбдан – ширкат хўжалиги ерлари

Юқорида қайд қилинганларни ҳисобга олиб комиссия аъзолари,
«Улуғбек» ширкат хўжалиги еридан 8- ўрта таълим мактабига очик спорт
майдони ташкил қилиш учун 0,5 гектар суғориладиган ер майдони танлаш ва
ажратишни маъқул деб топдилар ва ушбу далолатнома тасдиғини Қибрай
тумани ҳокимидан сўрайдилар.

Имзо чекувчилар:

М. Хошимов
Б. Тожибоев
А. Назаров
Б. Махмудов
Б. Утепов
А. Омонов
Ф. Уразова
И. Мавлянов
Н. Соатов
М. Анорова
С. Тошмухамедова

UZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
QIBRAY TUMANI
HOKIMINING
QARORI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҚИБРАЙ ТУМАНИ
ҲОКИМИНИНГ
ҚАРОРИ

Qibray shaharchasi

№ 825

« 17 » 09 2006 yil

Қибрай тумани Халқ таълими бўлимининг
8- ўрта таълим мактабига очиқ спорт
майдонлари ташкил қилиш учун ер танлаш
ва ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги ПК-255 сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан қабул қилинган Тошкент вилояти ҳокимининг 2006 йил 23 мартдаги 96-сонли қарорига асосан “Улугбек” номли хўжалиги ҳудудидан фуқаро Т. Кармоновга фермер хўжалиги ташкил этиш учун ижарага ажратилган ерининг бир қисмини Қибрай тумани Халқ таълими бўлимининг 8- ўрта таълим мактабига очиқ спорт майдонлари ташкил этиш учун ер майдони ташлаш ва ажратиш тўғрисидаги тайёрланган ер тузиш ҳужжатларини кўриб чиқиб, “Улугбек” номли фермер хўжалиги аъзоларининг 2006 йил 5 майдаги 3- сонли умумий мажлис қарорини инобатга олиб,

А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Қибрай тумани Халқ таълими бўлимининг 8- ўрта таълим мактабига очиқ спорт майдонлари ташкил қилиш учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги комиссия аъзоларининг 2006 йил 18 августдаги далолатномаси тасдиқлансин.
2. Қибрай тумани Халқ таълими бўлимининг 8- урта таълим мактабига очиқ спорт майдонлари ташкил қилиш учун 0,5 га суғориладиган ер майдони ажратилсин.
3. Ушбу қарор тасдиғи Тошкент вилояти ҳокимидан сўралсин.

ҲОКИМ:

Ш. ИКРОМОВ


6- илова

Қибрай тумани «Улуғбек» номли фермер хўжалиги худудидан 8- ўрта таълим
мактабига спорт майдони учун ажратилаётган ер майдони кўрсатилган
қишлоқ хўжалиги харитасидан

К Ў Ч И Р М А
М И Қ Ё С 1: 10000

Шартли белгилар

Ер участкалари чегаралари изоҳи



Туман ҳокимини биринчи ўринбосари
Туман бош меъмори
Туман ер ресурслари ва кадастр бўлими бошлиғи
Улуғбек ширкат хўжалиги раиси
8- ўрта таълим мактаб директори
Расмийлаштирувчи

М. Хошимов
Б. Утепов
А. Омонов
Н. Соатов
С. Тошмуҳамедов
Б Махмудов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОЎЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ

УзССВ формасининг хос рақами 319
КТРК бўйича хос рақами
ТИББИЙ ХУЖЖАТ формаси 301-х
УзРССВ 1992 йил 16 апрелда 231
Сонли буйруқ билан тасдиқланган

(муассасанинг номи)

ҚУРИЛИШ УЧУН АЖРАТИЛГАН ЕР ЖОЙ ҲАҚИДАГИ

_____ **СОНЛИ**

Х У Л О С А

« _____ » _____ 200__ йил

1. Ер ажратиш муассаса номи ва бу ташкилотнинг юқоридаги раҳбар муассасаси _____

2. Ажратилган ернинг манзили _____
(республика, вилоят, туман, шаҳар ва б.)

3. Қайси хужжат асосида қуйидаги хулоса тайёрланган

4. Қандай шароитда ер жой ажратилганлиги ҳақида қисқача маълумот

5. Мавжуд тартибот бўйича муассаса қайси синфга тааллуқли; санитария ҳимоя зонаси бўйича ва шу зонани ташкил этиш имкониятлари

6. Сув таъминот манбалари ва унда санитария ҳимоя зонаси ташкил этиш

7. Чиқинди сувларини тозаловчи иншооти (канализация) ташкил этиш
имкониятлар

8. Чиқинди сувлари чиқаришга мўлжалланган жой ҳақидаги маълумот

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
QIBRAY TUMANI
HOKIMLIGI**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
КИБРАЙ ТУМАНИ
ҲОКИМЛИГИ**

Qibray shaharchasi

№ _____

«____» _____ 200__ yil

Тошкент вилояти ҳокимининг
вазифасини бажарувчи
З. Ниязовга

Қибрай тумани ҳокимлиги, туманидаги Матқобулов номли қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 8 умумий ўрта таълим мактабининг спорт майдончасига 0,5 га ер майдонни ажратиш ҳақидаги мурожаатларини инобатга олиб, Матқобулов қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Улуғбек» фермер хўжалиги еридан 0,5 га суғориладиган ер майдони 2006 йил 17 июлдаги 825- қарори қабул қилинган.

Шуларни ҳисобга олиб, Сиздан қабул қилинган туман ҳокимининг қарори Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-6 моддаларига асосан тасдиқлаб беришингизни сўрайди.

Ҳужжатлар илова қилинади.

ҲОКИМ:

Ш. ИКРОМОВ

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI YER RESURSLAR,
GEODEZIYA, KARTOGRAFIYA VA DAVLAT
KADASTRI DAVLAT QO'MITASI
TOSHKENT VILOYATI ER RESURSLARI VA
DAVLAT KADASTRI BOSHQARMASI
УПРАВЛЕНИЕ ПО ЗЕМЕЛЬНЫМ РЕСУРСАМ И
ГОСУДАРСТВЕННОМУ КАДАСТРУ
ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

700000, Toshkent sh. Movaraunnahr ko'chasi, 19
tel : 133-89-98

«___» _____ 2007 yil

**Қибрай тумани халқ таълими бўлими
8- ўрта мактабига очик спорт майдонини
ташкил этиш учун ер майдони танлаш ва
ажратиш тўғрисида**

ХУЛОСА № _____

Қибрай тумани ҳокимлиги вилоят ҳокими номига 2007 йил 13 июлдаги хати билан мурожаат этган.

Қибрай тумани ҳокимлиги қошидаги ер ажратиш комиссияси томонидан Қибрай тумани Матқобулов номли қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Улуғбек» фермер хўжалиги еридан Қибрай тумани халқ таълими бўлими 8- ўрта мактабига очик спорт майдонини ташкил этиш учун жами 0,5 гектар суғориладиган ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни тайёрлади.

Қибрай тумани ҳокими ўзининг ваколати доирасида 2006 йил 17 июлдаги 825- сон қарори билан юқоридаги ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлаган.

Қибрай тумани Халқ таълими бўлимига ажратилаётган ер майдонидаги унумдор қатламини олган ҳолда шу ҳудуддаги фермер хўжаликларнинг кам хосилли ерларни яхшилаш учун солиниши шарт.

Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси» нинг 36- модда 10- бандига асосан 2 йил мобайнида ажратилган ер майдони ўзлаштирилмаса маскур қарор ўз кучини йўқотиши тўғрисида Қибрай тумани Халқ таълими бўлими огохлантирилади.

Қибрай тумани Халқ таълими бўлими 8- ўрта мактабига очик спорт майдонини қурилиш учун кўрсатилган шартлар ҳамда Тошкент вилояти ҳокимининг ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги қарори тасдиқлангандан сўнг рухсат этилади.

Тошкент вилояти Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси Қибрай тумани Халқ таълими бўлимига ер майдонлари танлаш ва ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиб, маъқуллайди.

Бошқарма бошлиғи

А. Абдужалилов